Давлат китоб палатаси
45
28 ИЮН 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 143 (5434).
27 ИЮНЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА ЗАРБДОР СУРЪАТ





ЭНГ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВ

Ш. Р. Рашидов номидаги тўқимачилик бирлашмасининг 1-йигирув фабрикасида Д. Ғуломбоев бошқараётган бригадани энг илғор коллектив сифатида яхши билишади. Меҳнатсевар коллектив ҳар куни смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, маҳсулот сифатини яхшилашда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бригадирнинг ўзи олтинчи разрядли тўқувчи бўлиб, айни пайтда беш йиллик топшириқни ҳақида рапорт берган. Ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик натижасида бригаданинг бошқа аъзолари ҳам меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда.

СУРАТЛАРДА: бригада аъзоси Л. Харисова; Д. Тўйчибоев тўқувчи Д. Эрешова билан.

Т. Каримов фотолари.

• *Қурувчилар юбилейолди вахтасида*

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

Шу кунларда тошкентлик меҳнаткашлар, шу жумладан, кўпминг кишилик қурувчилар армияси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлаш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. «Тўққизлар ташаббуси»га қўшилган кўплаб қурилиш бўлинмалари меҳнат унумдорлигини қўшимча бир процент ошириш, таннархни 0,5 процент арзонлаштириш ва бунинг эвазига меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириқни уддалаш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Кўплаб бригадалар юбилей шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятларини олиб меҳнат қилялти.

1985 ЙИЛ ҲИСОБИГА

153-трестнинг 12-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган А. Угланова бошлиқ бўёқчилар бригадаси 1985 йилнинг май ойи ҳисобига ишлай бошлади. Бригада беш йиллик бошидан буён 423 минг квадрат метрдан зиёд бўёқчилик ишларини бажарди. Меҳнатда юксак натижаларга эришиб, бошқарма коллективлари ўртасида биринчиликни қўлдан бермай келаётган мазкур коллектив шонли юбилейини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олишга интилмоқда.

«Беш йиллик топшириқ— кам ишчи кучи билан» шиори остида меҳнат қилаётган бригада шу кунларда Чилонзор массивида навбатдаги турар жой биносини тез ва соз бунёд этяпти. Улар меҳнат, технология интизомига қатъий риоя этаётганликлари учун ҳам юқори натижаларга эришмоқдалар.

КАЛЕНДАРДА— ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК

11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармасига қарашли Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоев бошлиқ комплекслашган бригада қурилишида чинакам меҳнат намунасини кўрсатган эди. Ҳозир бригада шу комплекснинг ёнида яна бир кўп қаватли турар жой биноси пойдеворига ғишт қўймоқда. Яқинда бригадир пенсияга чиқди. Лекин у жонажон коллективидан кета олмади. Шу бригадада қолди. Фақат бригадани ўзининг энг яқин ёрдамчиси Отто Киршенманга топширди. Узоқ йиллар мобайнида Ҳамид Қорабоев бригадани шакллантирди, бригада аъзолари юксак маҳоратга эришди. Мана эндиликда бригаданинг ҳамма аъзолари устоз билан ёнма-ён баракали меҳнат қилмоқдалар.

— Бугун, — дейди трест касаба союз комитети раиси В. Стативкин,— мазкур бригада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятини бажариб, келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қила бошлади. Коллектив бундай муваффақиятга ишни аниқ ва оқилона ташкил этиш, бригада аъзоларининг топширилган ишга ўз масъулиятларини ошираётганликлари туфайли эришмоқда.

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

«Жилстрой» трестининг монтаж бошқармасида Раис Абдураҳмонов бошлиқ комплекслашган монтажчилар бригадасини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки коллектив меҳнат беллашувларида доимо пешқадамлар сафидан ўрин олиб келяпти. Бундай юксак кўрсаткичларга илғор иш усулларидан, кичик механизация воситаларидан фойдаланиш, турдош касбларни пухта эгаллаш туфайли эришилмоқда. Бригаданинг ҳар бир аъзоси учтадан касбга эга. Бу эса беҳуда туриб қолишларга чек қўяди, ҳар қандай шароитда белгиланган вазифаларни уддалаш имконини беради.

Коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага фаол қўшилди. Акмал Икромов районидаги беш қаватли турар жой биносини бунёд этаётган Р. Абдураҳмонов бригадаси смена топшириқларини 10—15 процент ошириб адо этмоқда.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

«Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» шиори остида меҳнат қилаётган «Ташинжстрой» трестига қарашли 7-ихтисослаштирилган қурилиш бошқармасининг Ф. Габитов бошлиқ комплекс бригада коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига беш йиллик планни бажаришга аҳд қилганди. Хўжалик методи асосида ишлаётган бу коллектив социалистик мусобақада доимо пешқадамлик қилиб келмоқда. Илғор иш усули ўз самарасини беряпти. Коллектив ўтган беш ой мобайнида 256,7 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди. Бу планга нисбатан 104,4 процентни ташкил этади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Мактаб ҳаётида ҳам тантаналн, ҳам битирувчилар учун ғамгин бўлган дақиқалар бор. Ўн йил шу ерда яхшилик ва ҳақиқонятдан сабоқ олганлар пионер ва комсомоллик ишлари билан тўлиб-тошганлар, мактаб театри яратиш ташаббускорлари бўлганлар, физика ёки математикадан олимпиада ғолибларн бўлганлар учун мактаб билан ҳайрлашув дамларн маъюслик туғдирадн, албатта....

Июнь ойининг энг ҳароратлн кунларида бир томондан битириш имтиҳонлари топширилади. Бир томондан эса ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома тўлдирилади, педагогик кенгашга тайёргарлик кўрилади. Хуллас, тиғиз ва қайноқ дамлар...

— Бу йил 15 мингдан зиёд битирувчи ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома олади, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи бош бошқармаси бошлиғи Х. Қ. Йўлдошев. — Улар мактабни шонли йилда КПСС Марказий Комитетининг апрель [1984 йил] Пленуми ва СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтган йилда битиришди. Уларда умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларн маъқулланди, у янги инсонни шакллантиришда меҳнат, политехника мактабининг ролн тўғрисидаги ленинча ғоянн ривожлантирди. Ўсиб келаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ва умумий ўрта, ҳунар таълимини янада такомиллаштиришнинг илмий асосланган стратегик программасини белгилаб берди.

15 минг битирувчининг бир қисми олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга боришади. Бошқаларн эса ўқув ишлаб чиқариш комбинатларига, ишлаб чиқариш корхоналарига боришади. Яна бир қисми ҳунар-техника билим юртларида ишчи касбларини эгаллашади.

Аниқанга кўра мактаб, ўқитувчилар билан ҳайрлашув байрамлари тантаналн педагогик кенгашлардан бошланди. Пойтахтнинг Ленни районида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда биринчи бўлиб мактаб битирувчилари билан меҳнат ветеранлари, район жамоатчилик вакиллари, ўтган йилларда мактабни битириб чиққанлар билан тантаналн учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг секретари М. Е. Фузулова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Железнов, Ленин район халқ маорифи бўлимининг мудири Н. Я. Сучкова ва бошқалар ёшларга оқ йўл тиладилар, «Биринчи марта 1-синфга» борадиган мактабгача ёшдаги болаларининг район комсомол ташкилоти, район «Ленинчи» комсомол штаби аъзоларининг табриклари тантаналн ва ҳаяжонли бўлди.

Мактабни битирувчилар зиммасидаги масъулиятлар нималардан иборат! Энг аввало ўйлаб касб танлашда, фан асосларини яхши эгаллашда, кишиларга кўпроқ фойда етказишга интилишда намоён бўлади. Фақат Ленин районн бўйича мактабни битириб чиққанларнинг 500 га яқини ҳунар-техника билим юртларида ҳунар эгаллашади, бевосита саноат корхоналарида касб ўрганишади. Акмал Икромов районидаги 74-мактаб битирувчилари ҳозирданоқ маъсулиятни чуқур тушунганликларини кўрсатишди. Улар мактабга муносиб совға тайёрлашга аҳд қилишди. Улар мактабдан кетиш олдидан синф хоналарини, мажлислар ва спорт залларини ўз кучлари билан ремонт қилиб беришади. Юқори синф ўқувчилари тўгаракларда, техника ижодий станцияларида моделлар яратиб ўз билимларини такомиллаштиришга, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшишга жазм этишган. Бу йилги битириб чиқаётганларнинг кўпчилиги химия, математика, биологня ва бошқа фанлар бўйича олимпиадалар ғолиби бўлишди. Уларнинг кўпларига кеча тантаналн педагогик кенгашларда фанларни ўзлаштиришда, спортда эришган муваффақиятлари, актив жамоат ишлари учун ёрлиқлар топширилди.

Битирувчилар мактаб билан хайрлашдилар. Улар олдида жамоат вакиллари, ота-оналар, оталиқ ташкилотларининг вакиллари, ўқитувчилар сўзга чиқишди. Уларнинг ҳар бирн ўз дил сўзларини айтишди. Касб маҳорати сирларини қунт билан эгаллашга, ўзларининг қобилиятларини намоён этишга, партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган режаларни амалга оширишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга, софдил ва қатъиятли бўлишга даъват этишди. Оқ йўл сизга, битирувчилар!

ПАРТИЯ ОЛДИДАГИ, ХАЛҚ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

● Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг 26 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган V пленуми ривожланган социализмнинг тарихий босқичи ва Ўзбекистон адибларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосидаги актуал вазифаларига бағишланди.

Докладда, нутқларда КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь ва декабрь, 1984 йил январь ва апрель Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган хулосалар ва тавсиялар Совет Ўзбекистони ёзувчилари учун ҳаётбахш манба бўлиб, улар давримизга ҳамоҳанг асарлар яратиш учун ана шу манбадан янги куч ва ижодий илҳом олмоқдалар, деб таъкидлаб ўтишди.

Адиблар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг материалларини астойдил маъқуллаб, бу пленум ёзувчиларни ташкилоти учун ҳам тозаловчи тўлқин бўлганлигини, чунки партия билан халқ — ёзувчиларнинг ҳам иши эканлигини яна бир бор ўтдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг турмушимиздаги ҳар қандай салбий ҳодисаларга қарши курашга, янги кишиларнини ана шу ҳодисаларга писбатан муросасизлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлари қизғин қўллаб-қувватланди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, ёзувчи олдида жавобгардир, у қонуннинг ҳар қандай бузилишларидан четда тура олмайди. Ёзувчи ўз ижоди билан диний хурофотларга қарши курашиши, меҳнаткашлар оммасини социалистик жамиятда яшаш нормаларидан оғиши чекинишларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбияланиши шарт. Халқ виждонининг посбони бўлиши ёзувчи биринчи навбатда сосиал ҳаётнинг ҳар қандай ҳодисаларини фош этишда партияга ёрдам бериши керак. Аммо бу курашда самарали бўлиши учун танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантирадиган, хатоларни яширмайдиган ва шу асосда ўз ишини такомиллаштириб борадиган метиндек жипслашган ёзувчилар коллективи керак. Республика ёзувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари билан қуролланиб, социалистик турмуш тарзига зид иллатларга қарши курашда партияга актив ёрдам берадилар.

Нотиқлар республика ёзувчиларининг фаолиятини атрофлича анализ қилиб, кейинги йилларда мамлакатимизда ва чет элларда кенг кўламда маънур бўлган бир қанча асарлар яратилганлиги тўғрисида гапирдилар.

Меҳнат аҳлининг образи ҳамиша сўз усталарининг ижодий режаларини белгилаб бериши керак. Ваҳолонки, меҳнат аҳлининг истеъдоди билан моддий бойликлар яратилмоқда, ернинг қиёфаси ўзгармоқда, келажак сари кенг йўл солинмоқда. Улуғ Ватан урушининг ветеранлари адиблардан кўпроқ эътибор беришларини кутмоқдалар. Совет халқининг Улуғ Ғалабаси ана шу ветеранларнинг солдатлик ва жанговар жасорати билан қўлга киритилган. Бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини кенг кўламда нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳозирги халқаро аҳвол шароитида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси, жанговар, меҳнат анъаналарини ва интернационал анъаналарнинг давомийлиги мавзуи Ўзбекистон сўз санъаткорлари ижодида етакчи мавзуларнинг бири бўлиб қолиши кераклиги қайд этиб ўтилди.

Пленум ижодий союзнинг фаолиятини янада яхшилашга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган асарлар яратишга қаратилган тадбирларни белгилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ёш олимлар мактаби

кеча

Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳисоблаш марказига эга бўлган кибернетика институтн базасида ёш олимлар ва мутахассисларнинг IX республика мактабн ўз ишини бошлади. У автоматлаштирилган бошқариш системалари (АСУ) ва лойиҳалашни автоматлаштиришга бағишланган.

Мактаб машғулотларига Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреатлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. К. Қобулов ва академиянинг мухбир аъзоси Т. Р. Рашидов, Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори Г. А. Михайлов, техника фанлари докторлари Г. П. Тетерин, М. В. Лурье, Н. А. Мўминов, И. Х. Убайдуллаев, экономика фанлари доктори Н. С. Знёдуллаев ва бошқалар раҳбарлик қилмоқдалар.

Пленар, секция ва тармоқ докладлари учун муҳим масалаларга бағишланган 350 дан ортиқ илмий-тадқиқотлар натижаси тавсия этилган.

Х. ЖУМАБОЕВ,
техника фанлари кандидати.

Пешқадамлар шуҳрати

Пардозлаш трестининг 24-қурилиш бошқармасида Ҳ. Олимжонов бошлиқ комплекслашган бригада илғорликда донг таратган. Бу коллектив доимо социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келмоқда. Ҳ. Олимжонов бригадаси топширилган ишга масъулият билан ёндошади. Улар шаҳардаги тўққиз илғор бригадирнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнат унумдорлигини қўшимча 1 процент ошириш, таннархни 0,5 процент қисқартириш учун астойдил курашмоқда.

Коллектив юксак кўрсаткичларга прогрессив технология ва кичик механизация воситаларидан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли эришмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига юксак мажбурият қабул қилиб, «Беш йиллик план — шонли юбилейга!» шиори остида меҳнат қилаётган Ҳ. Олимжонов бригадаси зиммадаги мажбуриятни шараф билан уддалаб келмоқда. Улар бугунги кунда Тошкент автомобиль транспорти ва инженерлари институти объектларини қурилишида баракали меҳнат қилмоқда. Бригада графикдан ўзган ҳолда ишлаяпти. Улар ўз меҳнат календарларида шу йилнинг октябрь ойи ҳисобини очдилар.

Бригада пудрати—амалда

Куни-кеча Ленин район партия комитети мажлислар залида район партия-хўжалик активининг саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини жорий этишни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Район-партия комитетининг иккинчи секретари Х. К. Муҳиддинов «КПСС Марказий Комитетининг «Саноатда меҳнатни ташкил этиш ва уни раҳбатлантиришнинг бригада усулини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» қарори асосида, райондаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналарн ва ташкилотларн партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формасини янада юксалтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Мазкур доклад бўйича бўлган музокарада Октябрь революцияси номли тепловоз заводи бошлиғи М. З. Мартьянов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотчиси Б. Жўрабоев, «Ташсантехмонтаж» трести партия комитети секретари А. Аҳмадхўжаев, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси К. Крафт, В. И. Ленин номли якка буюртмалар ва кийимлар ремонти бўйича тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитети секретари З. Султонова ва бошқа ўртоқлар сўзладилар.

Йиғилиш муҳокама қилинган масала бўйича кенгайтирилган резолюция қабул қилди.

монгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 26 июнь куни Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан билан учрашди.

Суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Лаоснинг ички ва ташқи сиёсатига, икки томонлама муносабатларга ҳамда дунёдаги вазиятга доир масалалар юзасидан ўртоқларча фикрлашиб олинди. Фикрлашув муҳокама этилган проблемалар юзасидан қарашларнинг тўла бирлигини тасдиқлади. К. Фомвихан КПСС билан Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсатини ЛХРП, Лаос ҳукумати ва халқи номидан маъқуллаб, қўллаб-қувватлади, Лаосга берилаётган бегараз ёрдам учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. К. У. Черненко КПСС билан Совет Иттифоқи янги ҳаёт қурилишида ЛХРПга, Лаос халқига бундан буён ҳам ёрдам ва мадад бераверадилар, деди.

● «Мусобақа ва хўжалик раҳбари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

• *Меҳнат семестри-84*

ОТРЯД ГАЗЛИГА БОРАДИ

Бу йил студент-қурилиш отрядлари ташкил этилганига 25 йил тўлди. Юбилей йилида студент-қурувчилар сафидан ўрин олиш шарафидир.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети комсомол ташкилоти Ўзбекистонда Бутуниттифоқ студент-қурилиш отряди ҳаракатининг ташаббускорларидан бири ҳисобланади. Бундан 20 йил муқаддам Ўзбекистонда биринчи бўлиб шу ерда студент-қурилиш отряди тузилганди. Бу йил 30 жангчи Газлига бориб ишлашга тайёргарлик кўрмоқда. Улар аввалги йилларда ҳам қурилиш отрядлари составида тажриба орттиришган.

Студент бунёдкорлар Газлида 30 минг сўмлик қайта тиклаш ишларини амалга оширишади.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ўнинчи сессияси 28 июнь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 27 июнь эрталаб соат 10 дан кечқурун 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида, 28 июнь эрталаб соат 9 да эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 28 июнь соат 9.30 минутда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ПРАГА. Чехословакиянинг ёғочсозлик корхоналарида ишлаб чиқаришга «Вахта» типидаги 385 та уй-жой комплексини Совет Иттифоқига етказиб бериш тўғрисидаги битим бу ерда имзоланди. Бу комплекслар Ғарбий Сибирда ишлаётган совет нефтчилари ва геологлари учун мўлжалланганлигидир. Шу район аҳолисининг юксак баҳосига сазовор бўлган юзлаб ана шундай комплекслар бу ерда монтаж қилинди. Барча зарур қулайликлар билан тўла таъминланган комплекслар шимолнинг қаттиқ шароитларида яхшн уй сифатида хизмат қиладн, монтаж қилиш учун енгил ва шинамдир. Ана шундай комплекслардан иборат посёлкалар ҳатто Шимолий қутб доирасидан нарида ҳам барпо этилаётганлиги бежиз эмас.

● ХЕЛЬСИНКИ. Финляндиянинг Турку шаҳридаги «Валмет» акционерлар жамиятининг кемасозлик корхонасида «Арнольд Веймер» деб аталган илмий-тадқиқот кемасини Совет Иттифоқига топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди. Кема денгиз физикаси ва химиясини, денгиз биологиясини, атмосфера ҳодисаларн ва денгиз тубини ўрганиш учун мўлжалланган замонавий машина-ускуналар билан таъминланган. Тадқиқотларнинг ҳар бир соҳаси ўз тематик лабораториясига эга бўлиб, кемада бундай лабораториялар ўн иккитадир. Шу лабораториялар олган маълумотларни ишлаб чиқиш учун кемада ҳисоблаш маркази бор.

Эстония ССР Фанлар академияси олимлари юборилаётган «Арнольд Веймер» — СССР учун «Валмет» кемасозлик корхонасида қурилган шундай туркумдаги саккизинчи кемадир. Совет буюртмаларининг Финляндия кемасозлик корхоналарида бажарилиши, деб уқтиради мамлакатнинг савдо-саноат доиралари, ишлаб чиқариш ва иш билан таъминлашнинг ҳозирги даражасини сақлаб қолишгагина эмас, шу билан бирга уни оширишга ҳам ёрдам беради.

● **ҚОҲИРА. Миср халқ мажлиси (парламенти)нинг бу ерда бўлиб ўтган йиғилишида Қоҳира университетининг профессори Рифаат Махгуб шу мажлис раиси қилиб сайланди. У бу лавозимга ҳукмрон миллий-демократик партиянинг парламент фракцияси томонидан кўрсатилган эди.**

Парламент сайлови МАРда шу йилнинг май ойида ўтказилади.

● ГАВАНА. Доминикан Республикасининг маъмурий маҳаллий ва халқаро жамоатчилик тазйиқи остида шу ҳафтада қамоққа ташланган сўл партиялар раҳбарларидан ва етакчи касаба союз бошлиқларидан бир группасини озод қилишга мажбур бўлди. Бу ерда маълум бўлишича, озод этилганлар орасида Доминикан коммунистик партиясининг бош секретари, Нарсисо Иса Конде ва Доминикан меҳнаткашлари конференциясининг бош секретари Хулио Пенья Вальдес бор.

(ТАСС).

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигн номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик топшириқ бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Ана шу давр мобайнида меҳнат унумдорлиги 1,9 процентга ошди, маҳсулот таннархи 1 процентга камайди. Мусобақада М. Тўрақулова, А. Хавайло, В. Васнлева бошлиқ бригадалар пешқадамлик қиляпти.

Ярим йиллик охирига қадар планга қўшимча равишда 1 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарларн ишлаб чиқарилади.

●

Ўзбек Давлат «Еш гвардия» драма театрининг республикамиз юбилейига бағишлаб Жиззах областининг районлари, шаҳар ва қишлоқларида ўтган ижодий сафари ниҳоясига етди. Бир ярим ой давомида театр санъаткорлари областнинг дала меҳнаткашлари ҳузурида «Беш кунлик куёв», «Отасининг қизи» ва бошқа спектакларни намойиш этдилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 16—21, кундузи 30—35 даража иссиқ бўлади.

Объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилсин

ҚАМИШЗОР ЎРНИДА ЗАВОД

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар партия, совет, касаба союз ва хўжалик актив йиғилишида бир қатор муҳим масалалар билан бирга турар жой қурилишининг қай даражада олиб борилаётганлиги ҳам муҳокама қилинди. Беш йиллик-нинг ўтган уч йили мобайнида 340 минг квадрат метрга яқин турар жой ишга туширилмаганлиги, ҳамон қурилиш ишлари сифати паст даражада эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги кунда Сергели районида, Чирчиқ дарёсининг соҳилидаги қамишзорлар ўрнида партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан сейсмик зонада биринчи марта блок ҳажмли уйсозлик заводи қурияпти. Заводни қуришдан мақсад турар жой муаммосини ҳал этишни тезлаштиришдир.

ИСТИҚБОЛ

Завод йилига 120 минг квадрат метр турар жой ёки 170 минг куб метр йиғма темир-бетон ишлаб чиқаради. 16 гектар территорияда унинг ишлаб чиқариш корпуслари жойлашади. Бу ерда турли қаватли блок ҳажмли экспериментал уйлар қурилиши учун йиғма керамзит ва темир-бетон буюмларининг тўла номенклатураси тайёрлаб берилади.

«ТошЗНИИЭП» институти ижодий коллективи ўзида бир квартиралидан олти квартиралигача бўлган олтита блок секция лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундай ҳажмли блокларни машиналари ёрдамида поток-конвейер линияларда тайёрлаш кўзда тутилган. Тайёр блоклар ташқи деворлар, зина майдончалари ва бошқа темир-бетон буюмлари билан комплекслашган бўлади. Пардозлаш цехида эса улар санитария-техника, электротехника мосламалари билан жиҳозланади. Шу ернинг ўзида барча пардозлаш ишлари бажарилади. Шундан сўнг заводдан тайёр ҳолда чиққан ҳажмли блоклар тайёр маҳсулот омборига келтирилади. Бу ердан эса қурилиш объектларига жўнатилади.

Ҳажм блокли уйсозликнинг афзаллиги шундаки, уйлар тайёр блоклардан, яъни хоналардан монтаж қилинади. Бу эса монтаж ишлари муддатини 3 баравар қисқартиради, монтажчиларнинг меҳнат шароитини кескин яхшилайди, иш сифатини оширади. Заводда 1,5 минг киши меҳнат қилади. Уларнинг яхши ишлашлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилади. Ҳозир ажойиб замонавий ошхона хизмат кўрсатяпти. Бу ерда мактаб, болалар боғчалари, ёлғиз кишилар ва кичик оилалар учун ётоқхоналар қурилади. Янги завод томонга қўшимча автобуслар маршрути йўлга қўйилади. Маршрутли таксилар қатнай бошлади.

ЗАВОДНИНГ БУГУНИ

Ҳажмли блокли уйсозлик заводи қурилиши 1980 йилда бошланган эди. Бу ерда 16 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш мўлжалланган. Бугунги кунгача бажарилган ишлар ҳажми 11,1 миллион сўмликни ташкил этди. Ўтган йили унинг биринчи навбатини ишга тушириш ва йилига 109 минг куб метр бетон ишлаб чиқаришни таъминлаш мўлжалланган эди. Бироқ, буюртмачи («Главташкентстрой») томонидан объектни тўла моддий таъминланмаганлиги ва шунингдек бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра Бош бошқарманинг 3-тресги (бош пудратчи) белгиланган муддатда заводнинг биринчи навбатини ишга тушира олмади. Ўз ишини ўлда-жўлда қолдириб, улар ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг ишига ҳам салбий таъсир кўрсатишди, уларга иш фронти очиб беришолмади.

3-қурилиш трести ишни кўнгилдагидек олиб бормаяпти. Пойдеворга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда ётибди. Ҳозирги кунда қурилиш майдонида 3 миллион сўмликка яқин ўрнатилмаган мосламалар ётибди. 1984 йилда заводни ишга тушириш учун 6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш лозим. Бироқ, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида атиги 700 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бу топшириқнинг 11 процентини ташкил этади, холос.

Қурувчилар олдида катта вазифа турибди. Улар июнь ойида 956 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари керак эди. Ойнинг ўтган икки декадасида бош пудрат бўйича 140 минг сўмлик иш бажарилди, холос.

— Белгиланган вазифани уддалашимиз учун объектдаги ишчилар сонини 800 кишига етказишимиз керак,— дейди 3-трестнинг 23-қурилиш бошқармаси прораби Фавиз Фозилов.— Ҳозир бу ерда атиги 180 киши ишлаяпти. Бундан ташқари қурилиш объектини мунтазам равишда материал ресурслар ва механизмлар, кичик механизация воситалари билан таъминлаш керак. Гарчи объектда иш фронти бўлса-да, республика Махсус қурилиш-монтаж министрлигининг 93-махсус трести, «Средазэлектросетьстрой» трестининг 71-механизациялаш ган кўчма колоннаси, «Энергомонтаж»нинг монтаж бошқармаси, «Промбурвод» бошқармаси вакиллари қорасини кўрсатишмаяпти. Бошқа ёрдамчи-пудратчи ташкилотларнинг вакиллари ҳам етарли эмас.

Муҳим халқ хўжалик объекти — турар жой қурилиши учун мўлжалланган заводни ўз вақтида ишга тушириш учун объектни материал ресурслар, ишчи кучи билан таъминлаш, объект тўғрисида ҳар куни қайғурмоқ керак. Завод қурилишида иштирок этаётган барча ташкилотлар, шунингдек Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш бошқармаси масъулиятни чуқур ҳис этишлари, заводнинг белгиланган муддатда ва сифатли ишга туширилишини таъминлашлари керак.

Тошкентликлар янги заводнинг ишга туширилишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Чунки заводнинг ишга тушиши билан ободонлаштирилган сифатли уйлар қуриш имкони туғилади. Уни бўлажак ишчилар ҳам кутмоқда. Энди сўнгги сўз — қурувчиларга. Ишонамизки, улар бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, мазкур заводни ўз муддатида фойдаланишга топширадилар.

Э. ЗОҲИДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СОВЕТ БУЮРТМАЧИЛАРИ УЧУН

СОФИЯ. Болгариянинг Омуртаг шаҳридаги Н. Станчев номли трикотаж фабрикасининг меҳнатчилари совет буюртмачиларига кийим-кечакнинг янги туркумини жўнатдилар. Бу корхонанинг маркаси Республикада ва кўпгина чет мамлакатларда машҳур. Бу маркадаги кийим-кечаклар аъло сифати билан тикилган ва замонавий бичилган. Илғор коллектив модалардан қолишмаслик учун ўз буюмларининг 70 процентгача бўлган турларини йил сайин янгилайди. Омуртаг тикувчилари Болгарияда социалистик революция 40 йиллиги шарафига план топшириғини муддатидан илгари бажариш, сифат белгиси қўйилган кийим-кечак ишлаб чиқаришни кўпайтириш навбатдаги вазифаларини ҳал этишга киришдилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

УЛАН-БАТОР. Республикада энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири — В. И. Ленин номли Дархан электр станциясининг коллективи ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида халқ Монголияси энергетика саноатида биринчи бўлиб рапорт берди. Дархан энергетиклари социалистик мусобақанинг олдинги сафларида дадил бормоқдалар. Чунончи улар беш йиллик бошидан буён пландан ташқари 9 миллион тугрикдан кўп қимматга эга электр энергия ҳосил қилдилар. Ҳозир дарханликлар янги муҳим маррани эгаллашга интилмоқдалар — улар беш йилликнинг тўртинчи йили планини ноябрь ойида — МХР эълон қилинганлигининг олтмиш йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар.



Мозамбик Халқ Республикаси яқинида иккита шонли саналар — Мустақиллик кунининг ва Мозамбикни озод қилиш фронти (ФРЕЛИМО) ташкил этилганлигининг 22 йиллигини нишонлайди.

ФРЕЛИМО партияси раҳбарлиги остида мамлакат меҳнаткашлари мустақил ривожланиш йилларида муайян ютуқларини қўлга киритишмоқда. Ишлашади. Ольга малакали ишчи бўлиш учун иккинчи йил ГПТУ курсларида ўқиб келди.

СУРАТДА: Ольга [чапда] ва Ангелина Мапутудаги радио заводида.

АДН—ТАСС фотоси.

ТЎРТ БАРАВАР КЎПАЙДИ

ХАНОЙ. Вьетнамдан Совет Иттифоқига ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа қардош мамлакатларга эртанги сабзавот ва тропик мевалар етказиб бериш тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Шу беш йилликнинг бошидан буён Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга шундай маҳсулот етказиб бериш ҳажми тўрт баравар кўпайди.

Узоқ муддатли тармоқ программасига мувофиқ СССР билан ҳамкорлик ВСРнинг мева ва сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда ташиш юзасидан илғор илмий-техникавий ютуқларини жалб этиш комплексини ишлаб чиқиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Болгария совутиш корхоналари, консерва заводлари ва фермаларини, автомобиллар, махсус платформалар, рефрижераторлар флотини барпо этиш белгиланган. Болгария планлаштирилмоқда.

КОЛХОЗДА КОНСЕРВА ЦЕХИ

Нарпай районидаги Ленин номли колхозда консерва цехи ишга тушди. Цех йилига 10 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Бу ердан истеъмолчиларга олма, ўрик, олхўри компотлари, помидор шарбати, маринадланган бодринг жўнатилади.

ҲАМ БАЛИҚ, ҲАМ МЎЙНА

Қорақалпоғистоннинг Орол денгизи соҳилидаги Тогузтороа 120 минг гектар майдонда овчилик хўжалиги ташкил қилинди. Бу ерда ҳар йили 200 мингтагача мўйна ҳамда 100 тонна машҳур Орол денгизи ва Амударё балиқларини овлаш мўлжалланмоқда. Хўжалик дастлабки 20 мингта тери билан 10 минг тонна балиқни шу йилнинг ўзидаёқ тайёрлайди.



Токионинг Акасаки районида балиқ ови ишқибозлари кўп. Бу ўқувчининг (суратда) қармоғига... саламандранинг бошн илинib чиқди. Бола уни полиция участкасига элтиб берди. Полициячилар ҳам унинг инмалигини билишолмай, мутахассисларни чақиришди. Уларнинг аниқлашича, Осиё қитъасидан келган саламандра, деган хулосага келишди. Энг қизиғи шундаки, бу саламандранинг шаҳар марказидаги кўлга қандай қилиб келиб қолгани сирлигича қолмоқда.

Кнодо—ТАСС фотоси.

С А М А Р А Л И ҲАМКОРЛИК

ГАВАНА. Совет-Куба иқтисодий ҳамкорлиги Куба халқ хўжалигини ривожлантиришга ва республика аҳолисининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашмоқда, деб ёзади Кубада чиқадиган «Гранма» газетаси. Электр энергетикаси — ана шу ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. СССР ёрдами билан Сьенфуэгос вилоятидаги Хурагуа районида қурилаётган атом электр станцияси ва пойтахт яқинида барпо этилаётган катта иссиқлик электр станциясининг аҳамияти мақолада уқтириб ўтилган. Совет Иттифоқи Пунта-Гордада ва Лас-Карионасада никель комбинатларини қуришда, Санта-Кларда механика заводини кенгайтиришда, мавжуд қанд заводларини реконструкция қилиш ва янги заводлар барпо этишда ҳам ёрдамлашмоқда. Газета Сьенфуэгос вилоятидаги Хурагуа районида қурилаётган атом электр станцияси ва пойтахт яқинида барпо этилаётган катта иссиқлик электр станциясининг аҳамияти мақолада уқтириб ўтилган. Совет Иттифоқи Пунта-Гордада ва Лас-Карионасида

• Психолог ўйлари

ИРОДА ПЎЛАТ БЎЛСА...

Хурматли редакция! Психопатия нима? Инсоннинг хулқи-атворини, характерини, айниқса продасини мустаҳкамлаш учун нималарга эътибор бериш керак?

Ҳ. БУРХОНОВ, Ў. САДИРОВ, «Ташсельмаш» заводи ишчилари.

Инсоннинг фазилати хулқи-атвори билан белгиланади. Хулқ-атвори, табиати, характери, мулойим ёки ёмон, ёқимли, мулойим ёки ёмон, мулойим ёки ёмон, мулойим ёки ёмон

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА «СУВДА ЦИРК» КОЛЛЕКТИВИНИНГ
ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА: Сюзанна ШЕСТУА раҳбарлигидаги ўргатилган итлар;

Ўзига хос тартибда ўргатилган айиқлар.

Ўргатувчи — Борис ИВАНОВ;

Сергей МАКСИМОВ раҳбарлигидаги масхарабозлар группасининг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да бошланади; шанба кунлари — 15.00, 18.30 да; якшанба кунлари 11.00, 15.00, 18.30 да.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Билетларни пионер лагерлари, ташкилотлар, муассасаларга етказиб бериш шарти билан коллектив бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинмоқда.

Маълумотларни қуйидаги телефонлардан олиш мумкин: 44-35-91, 44-35-84.

САРАТОНДА ТРИКОТАЖ ЯРАШАДИМИ?

Таажжубланманг. Трикотаж либослари бизга ҳатто ёз фаслида сафарда, саёҳатда, балиқ овида, тоғларга чиққанимизда жуда ҳам керак бўлади.



Айрим кишилар ўзининг отпускасини бизнинг жазирамали ўлкамиздан узоқроқда, ёз фасли салқин ўтадиган жойларда ўтказишни манзур кўради.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА
ЕНГИЛ, ИССИҚ, ҚУЛАЙ ТРИКОТАЖ ҚИЙИМЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙМИЗ

Пуловерлар, свитерлар, жемперлар (кўйлак шаклида), **жакетлар, енгсиз кўйлаклар. Бу либослар эркаклар ва хотинқизлар учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан** (КХР, Ҳиндистон, Югославия, Руминия) **келтирилган.**

ГУМ соат 9.00 дан 21.00 гача ишлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, (18, 28, 31, 43, 64-экспресс, 46, 91-автобуслар; 8, 18-троллейбусларнинг «ГУМ» бекати; 4, 8, 11, 15, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати; 9, 13, 22-маршрут таксилари).

ГУМ (телефон 42-27-39).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24-28).

Янги «БЕГА» ресторани

Бу ерда хўрандаларни ғоятда лаззатли таомлар билан мамнун этилади. Кавказча кабоблар, севрюга, жўжа-табака, мампар, питин-шўрваси сингари таомларни тотиниб, унинг лаззатига ишонч ҳосил этишингиз мумкин. Бу таомлар сопол идишларда дастурхонга тортилади. Бундан ташқари 20 номга яқин яхна газаклар, яхна ичимликлар сизга манзур бўлади.

Бир қисми бир-биридан осма чироқлар билан ажратилган хоналар билан банд бўлган файзли залда ярим қоронғи ва салқинлик ҳукмронлик қилади. Биллур плафонлар кийдирилган чироқлар ёғоч ўймакорлиги услубида ишланган, деворларга ўрнатилган чироқлар ҳам ана шундай тарзда нафис кўринади. Айниқса макраме ўзига хос гўзаллик яратган. Енгил, нақшбанд, нафис бу чироқ ресторанниг байрамона безагидир.

Агарда кундуз куни ресторанга йўл олсангиз яйраб дам оласиз ва лаззатли овқатланасиз. Кечқурун эса сизни музика, рақслар, қандиллар ва рангли музиканинг ўйноқи жозибали чироқлари сизни кутиб олади.

«БЕГА» ресторанида юбилейлар, туғилган кунларни нишонлаш, дўстлар билан учрашувлар ўтказиш мумкин. Бунинг учун маросим бошланишидан 5 кун олдин буюртма беришни унутмангиз.

«БЕГА» РЕСТОРАНИ ТОШКЕНТ
ОТЧОПАРИДА ЖОЙЛАШГАН.

Отчопарга 103, 122, 123, 130-автобуслар, метронинг «Собир Раҳимов» станциясигача, шундан кейин маршрут таксида отчопаргача борилади.

Ресторан соат 12.00 дан бошлаб танаффуссиз ишлайди.



ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ (телефон 55-79-49).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24-28).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/VI да **Севги тумори**, 28/VI да **Травната**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/VI да **Зебуннисо**. 28/VI да **Парвона**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Сувда цирк» Москва циркининг хайрлашув гастроллари (19.30).

кино

28 ИЮНЬ

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 15, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ТУГАТИШГА КИРИШИЛСИН» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30), **Чайка** (11, 13.30, 15, 18, 21.00), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.30), **Янгиобод** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 96-36-21).

«ДУБЛЕР ИШГА КИРИШДИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Тимирязев номли 6-ўрта мактаб томонидан **Бекназаров Ислом** номига берилган 467355 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТВ

ЧОРШАНБА

27 ИЮНЬ

● МТ I

18.10 «Дунё ва ёшлар».
18.45 «Фан ва тўрмуш» океанларининг ... 3-кўрсатув.
19.15 «Дунё вокзаллари».
19.30 Мотоспорт бўйича ... мусобақалар.
20.10 «Пора». Телевизион ... фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Музика ҳамма учун».
23.00 «Кўғирчоқ ўйнаган ...» Телефильм премьераси.
23.20 «Дунё вокзаллари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Эквилибристи. ... бадиий фильм.
20.05—20.30 А. Софронов ... ларни.
20.50 Сувга сакраш бўйича ... чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР ... пионати. АСК—Динамо.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар «кенг ...
18.40 «Адабий альманах».
19.10 «Амалдаги ... лизм». «Ўзбекистон ... менга». 1-кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Театр премьералари ... номли Ўзбек Давлат ... мик драма театрида ... ло» спектакли.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши ...
22.40 «Сўқмоқдаги биз» Бадиий фильм.
23.55 «Бугун оламда ... Халқаро аҳвол ...

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар ...
18.10 — 18.20 «Оқ ... фильм.
18.50 «Асов дарё ... левизион бадиий ... («Ўзбекфильм») (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Классик куй сайёри.
21.00 «Ягона сиёсий кун ... лар, саволлар ва ...
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

28 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Запорожье». Телефи...
10.00 «Ҳайвонот оламида».
11.00 «Пора». Телевизион ... фильм. 2-серия.
12.20 «Болаларга совға» ... фильм премьераси.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». ... ли фильмлар.
15.50 «...16 ёшгача ва ... лар».
16.40 Болалар учун фильм ... питан».
17.10 Спорт гимнастика ... курашининг алоҳида ... бўйича СССР кубоги ... пионати.
18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Экономика: замон ... кар бир кишининг ... жамиятнинг раҳбарларини ... номикани бошқаришда ... ли ҳақида.
19.15 «Дунё вокзаллари».
19.30 «Сиз яратган бор».
20.00 Футбол бўйича Европа ... пионати. Финал. Фран... олиб кўрсатилади.
.30 «Время».
22.05 Композитор А. ... билан учрашув.
23.30 «Дунё вокзаллари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳамдўстлик. ...
19.15 «Совет киноси. ... нал.
19.25 «Кўплаб сифатли ... етказиб берайлик».
19.55—20.30 «Онаҳларнинг ... би».
20.45 «Рус балети сир... Илмий-оммабоп фил... мъераси.
21.05 «Учинчи меҳнат ... Олмаотада бўлиб ... дент курилиш ... қатнашчиларининг ... тифоқ слёти ҳақида.
21.30 «Время».
22.05 «Камтарин аёл ... кога». Телевизион ... фильм премьераси. ... Земан билан содир ... 30 воқеа» ... (ЧССР).
23.15 Мотобол бўйича ... чемпионати. «Нефтчи» ... (Видное шаҳри) — «Ма... (Полтава).

Тошкент шаҳар, ... район Земаданият уйи ... рияти партия ва ... ташкилотлари, ... нинг директори ... вокал-хореографик ... самблининг бадиий ... А. Т. Азизовга ... Тешавой АЗИЗОВНИНГ ... вафот этганлиги ... билан чуқур ... қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

А. А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

1984—1985 ўқув йили учун ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

саккиз синф ҳажмида маълумотли группага — тикув машиналари ускуналари, чарм ускуналари, пойафзал ва мўйнадўзлик корхоналари, тикувчилик ишлаб чиқариши, трикотаж ишлаб чиқариши, чармдан тайёрланган буюмлар технологияси;

ўн синф ҳажмида маълумотли группаларга — трикотаж ишлаб чиқариши, чармдан тайёрланган буюмлар технологияси, чарм технологияси, пойафзални моделлаштириш ва чармни бадиий безаш, кийим-кечакларни моделлаштириш ва конструкциялаш.

Кундузги бўлимга биринчи марта енгил саноат корхоналари учун планлаштириш ихтисослиги бўйича қабул қилинади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА

ўн синф ҳажмида маълумотли группага — чармдан тайёрланган буюмлар технологияси, тикув ишлаб чиқариши, тикув фабрикалари ускунаси;

СИРТҚИ БЎЛИМГА

саккиз синф ҳажмида маълумотли группага — трикотаж ишлаб чиқариши;

ўн синф ҳажмида маълумотли группага — трикотаж ишлаб чиқариши, тикув ишлаб чиқариши, чармдан тайёрланган буюмлар технологияси.

Саккиз синф ҳажмида маълумот билан техникумга ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: она тили (ёзма), математика (оғзаки), ўн синф ҳажмида маълумот билан — она тили ва адабиёт (ёзма, ишоо), математика (оғзаки), чарм технологияси ихтисослигига математика ўрнига химия топширилади; кийим-кечакларни моделлаштириш ва конструкциялаш, пойафзалларни моделлаштириш ва чармни бадиий безаш ихтисослигига расм чизиш бўйича қўшимча кириш имтиҳони топширилади.

Кундузги бўлимга: саккиз синф ҳажмида маълумотлиларнинг аризаси 31 июлгача, 10 синф ҳажмида маълумот билан группага 14 августгача; кечки бўлимга 15 сентябргача; сиртқи бўлимга 10 августгача топширилади.

УМУМИЙ АСОСЛАРДА ЁТОҚХОНАДАН ЖОЙ БЕРИЛАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй (1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Химфарм» заводи бекати; 1, 2, 5-трамвайларнинг «Пролетар кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
245-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДА ЯШАЙДИГАН, 8-10 СИНФЛАРНИ БИТИРГАНЛАРНИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ: **аёллар устки кийими, болалар ва эркаклар кийимини тикиш бўйича тикувчи-мотористка, тикув буюмларининг контролёри, устки мўйнали кийимларни тикувчи уста, тикувчилик ишлаб чиқариши бичиқчиси.**

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар. Ўқишни тугатгач улар тўлиқ ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида ҳужжат оладилар. Уларга кийим-бош берилади ва бепул овқат билан таъминланадилар;

ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади, шунингдек ўқув ишлаб чиқариш комбинати гувоҳномасига эга бўлган ўрта маълумотлилар 6 ойлик ўқишга қабул қилинадилар. Уларга ҳам ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ «ИМТИЁЗЛИ» ДИПЛОМ БИЛАН БИТИРГАНЛАРНИНГ 10 ПРОЦЕНТИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРИДА ЎҚИШ УЧУН ИМТИЛАНМА БИЛАН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юрти қошида маданият саройи, санаторий-профилакторий мавжуд. Ўқувчилар ўзлари танлаган ҳаваскорлик тўгаракларида шуғулланишлари ҳамда медицина хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, билим юрти директори номига ёзилган ариза, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, характеристика, автобиография.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-«а» уй, (1, 2, 3, 9, 8, 24, 26 трамвайлар; 1, 3, 5, 10, 8, 17 троллейбуслар; 2, 3, 25, 60 э, 80 э автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

БИР БОШ КАРАМНИНГ—БИР ОЛАМ СИРИ

«ҚАРАМ — БУ ҚУДРАТ, У БОР ЖОЙДА — ҒАМ-ҚАЙҒУ БЎЛМАЙДИ», —ХАЛҚЛАРДА ШУ МАЗМУНДА ҚАТОР МАҚОЛЛАР БОР.

Карам одамларга қадим-қадим замонлардан буён маълум. Ҳамма вақт унга ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлишган. Карамни дуркунлигида ва тузланган ҳолда кўп истеъмол қиладиган киши витаминларга ҳамиша тўйган, касалликларга камроқ чалиниши ҳақида қадим замонлардан буён яхши билишади.

Бутун карамлар оламининг энг кўҳна ва асосийси оқ бошли карам лаззатли ва фойдалидир.

Унда бир талай қимматли моддалар бор. Айниқса С витамини ғоятда кўп. Хатто лимонлар, мандаринлардаги витаминлардан ҳам ғоятда кўп.

Карамнинг ўзига хос муҳим даволаш хусусиятлари бор. Халқ табобати ташналикни қондиришнинг муносиб воситаси сифатида ундан қадимдан фойдаланиб келмоқда. Подагра, ўт йўли тоши хасталикларида карамни парҳез таом сифатида тавсия этадилар. Айниқса атеросклероз хасталигида карам тавсия этилади: унинг таркибидаги пектин моддалари холестерин ажралиб чиқишига ёрдамлашади.

Кишининг вазнини камайтиришда монанд келувчи парҳез таомлари таркибига карам ҳам қўшилади. Бу оқ бошли карам таркибида оқсилларнинг ёғга айланишини тўхтатувчи тартрон кислотаси борлиги билан боғлиқдир.

Тузланган карамнинг шарбати таркибида сут кислотаси миқдори кўп бўлганлиги учун ҳам у қанд касаллигида тавсия этилади.

Сизнинг дастурхонингизда ҳамиша карам муҳайё бўлсин: у дуркун, тузланган, қовурилган, димланган, қайнатилган ҳолда бебаҳо таомдир! У саломатликни яхши сақлашда ёрдам беради.

Кўпгина мамлакатларнинг пазандалари карамдан тайёрланадиган таомларнинг ранг-баранг оламини тавсия этишади. Карамдан ҳар қандай салатлар, винегретлар, боршчлар, шўрвалар, гарнирлар, голубсилар, солянкалар, пироглар, сомсалар, пудинглар пиширш мумкин.

БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

САБЗАВОТЛИ СОКЛИ ШЎРВА

Ўртача бир бош (500 грамм оғирлигидаги) карамни квадрат шаклида, аричилган 5—6 та картошкани кубик шаклида, 3—4 дона сабзини кокил қилиб тўғрайсиз. Сабзавотларни озгина миқдордаги сувда пишгунча қайнатасиз, ундан кейин 5—6 стакан қайнатилган сут ва 2 та ош қошиғида ёғ солиб меъёрига етгунча милтиллатиб қайнатасиз.



ТВОРОГ СОЛИНГАН ДЎЛМА

Намаги келтирилган сувда гурунчни қайнатиб олиб тиндириб қўясиз. Уни хом тухум ва сузма билан аралаштирасиз, бунинг учун тухум ва сузма олдиндан мурч ва туз билан омухталанган бўлиши лозим. Карам баргини ажратиб қўясиз: катта бошли карамни қайноқ сувга чайиб оласиз. Бундан кейин ҳам унинг япроғи қаттиқлик қилса яна қайноқ сувга ботириб оласиз.

Шундан кейин гуруч қиймасини карам баргига ўраб дўлма ҳосил қиласиз ва товага ёки қозонга солиб устидан қаймоқ қуясиз ва димлайсиз.

300 грамм карамга 200 грамм сузма, 2/5 ош қошиғида гуруч, тухум, 2 ош қошиғида мой ёки маргарин, 0,5 стакан қаймоқ, бир боғ ошкўк, туз ва мурч таъбга яраша керак бўлади.


СИЗ ШУ КУНЛАРДА «ТАШПЛОДООВОЩҲ» БИРЛАШМАСИНИНГ БАРЧА МАГАЗИНЛАРИДАН КАРАМНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТАШПЛОДООВОЩҲ» (телефон 55-75-73).

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ХИЗМАТИ

Аҳоли учун жуда қулай!

АГАРДА СИЗ НАҚДСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР УСУЛИДАН МУНТАЗАМ ФОЙДАЛАНИБ ТУРСАНГИЗ, КВАРТИРА, КОММУНАЛ ХИЗМАТИ, ГАЗ, ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ, ТЕЛЕФОН, БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ТАРБИЯЛАНАЁТГАНИ ЎЧУН ШУНИНГДЕК, БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ УЧУН ОМОНАТ КАССАЛАРГА ҲАР ОЙДА ҚАТНАБ ТУРИШИНГИЗГА ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ.



Омонат кассалари сизнинг хоҳишингизга биноан сиз хизмат қилаётган корхона ёки муассаса билан бир галги, шунингдек доимий тўловларнинг барча турлари бўйича нақдсиз ҳисоб-китобларни ўзи амалга ошириб туради.

Омонатчи нақдсиз ҳисоб-китоблар бўйича топшириқни шахсан ўзи омонат кассасига бориб расмийлаштириши ёки почта орқали юбориш ҳам мумкин. Бундай кўрсатмаларни расмийлаштириш учун керак бўладиган бланкаларни исталган омонат кассасидан олиш мумкин.

Омонатчи омонат кассасига борганда унинг ҳисобига ўтказилган пулларнинг умумий миқдори омонат дафтарчасига ёзиб берилади.

Омонат кассалар орқали нақдсиз ҳисоб-китоблар — аҳоли учун барча тўловларнинг турларини тўлашнинг анчагина қулай усули ҳисобланади. Омонат кассалари бундай хизмати билан меҳаткашларнинг қимматли вақтини тежайди ва уларни тўлов ҳужжатларини ўзлари билан бирга доимо олиб юришдан халос этади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

27 ИЮНЬ 1984 й. Р—08282. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10